

# Туркистон

Элим деб, юртим деб

ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 29 январь Чоршанба. № 9 (14402)

## РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

27 январь куни Республика Президентини Ислол Каримов раислигида Вазирлар Маҳкамасида йиғилиш бўлди. Унда мамлакатимиз кишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган ислохотларнинг бориши, 1996 йил якуни ва 1997 йилдаги бу борадаги устувор вазифалар муҳофизат этилди. Мажлисда тегишли вазирликлар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар, илора ва ташкилотлар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг кишлоқ хўжалиги соҳасига мутасадди уринбосарлари, бир қанча жамоа, деҳқон (фермер) хўжалиқлари раислари, тадбиркорлар иштирок этиди.

Шуни тан олимизни керакки, ҳозирча кишлоқда ўтказилган ислохотлар йўлида муйанг тусқилар, бу ишларни ривожлантириш борасидаги камчиликлар мавжуд. Хусусан, мулк шаклини узгартирган деҳқон (фермер) хўжалиқлари, хусусийлаштирилган фермаларга ердам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида илтимос этишмапти. Уларга ётарлик миқдорда ер ажратилиши, айланма маблағларини ҳосил қилиш учун кредит бериш, техника учун ётиг таъминлаш, етиштирилган маҳсулотларини сотиш каби масалаларда вазирликлар ва бошқа ташкилотлар ҳамда ҳокимликларнинг қўллаб-қувватлаш бўлимининг ҳар қандай қўйишлари қатъий зарур, — деб таъкидлади Президент.

Бизга ҳақиқий фермерлар, мулк эгаллари, тадбиркор хўжалиқ раҳбарлари қанчалик сезилмапти. Шунинг учун ҳам янги-янги фикрловчи одамларни аниқлаш, уларга маъсулиятли вазифаларни ишониб топшириш лозим. Чунки қобилиятли кадрлар ҳар қандай жамиятнинг олтин фонди ҳисобланади. Уларнинг изланишлари, меҳнатларини жамиятнинг тараққиётига йиғиштириш керак. Кишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш, мулк ва ердан фойдаланиш самардорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш, қўшимча иш жойлари ташкил этиш орқали кишлоқ хўжалигида ишловчилар сонини камайитириш ислохотларни амалга оширишнинг устувор йўналишлари бўлиши лозим. Бундан ташқари кишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар билан химия, агроесерви, қайта ишлаш ва тайёрлов ташкилотлари ўртасида узар манфаатдорликни таъминлаш ҳам муҳим вазифадир. Кишлоқ хўжалиқ корхоналари фаолиятини аралаштириш, уларга таъриқ ўтказиш, таъминлаш ва тураларча муносабатда бўлишнинг ҳар қандай қўйишлари қатъий зарур, — деб таъкидлади Ислол Каримов.

Мажлисда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари К. Обидов кун тартибига қўйилган масала юзасидан ахборот берди. Қорақалпоғистон Республикаси Элиқўшма туманидаги «Сарабий» деҳқон (фермер) хўжалиқлари уюшмаси раиси Й. Аветизиев, Хоразм вилояти Богот туманидаги «Богот» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М. Қувақов, Хонқа туманидаги «Галаба» ёпиқ турдаги ҳисдорлик жамияти раиси У. Абдуллаев, Андижон вилояти Олтинқул туманидаги «Намуна» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М. Ҳамроев, Наманган вилояти Уйчи тумани О. Муминов номидаги жамоа хўжалиги раиси Р. Исмаилов, Сурхондарё вилояти Денов тумани С. Раҳимов номидаги жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қарамон И. Файзуллоев, Тошкент вилояти «Муқимий» хусусий қорчилик фермаси бошқиси М. Эржаев, Фарғона вилояти Бешарик тумани агрофирмаси раиси А. Абдуназаров, Қашқар вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. Каримов ва бошқалар сузга чиқиб, ислохотларни амалга ошириш борасида қўйиладиган тўғриликларни, бу йўлдаги тўғрилик ва муаммолар хусусида баёнларини тўқалди.

## «Камолот» — ёшлар таянчи ТАЛАБАЛАРГА ҲАМКОР БЎЛДИК

Университетимизда жамгармининг жамоатчилиги маркази ташкил этилганига эндигина ярим йилдан ошди. Ана шу кўрсаткич «Камолот» талабалар дилига йўл топа билди. Қатор сай-ҳаракатлари эвазига ёшларнинг меҳрини қозонишга, узаро яхши ҳамкорлик қилишга эришди.


Аввало, мамлакатимиз ҳамда бутун дунёда кенг ишонилган бобоконанимиз Амир Темир таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тантаналарда фаол иштирок этишга таъриқ қилиди. Айниқса, Юсуфжон қизик Шакаржонов номидаги вилоят театрида бўлиб ўтган курик-танловда талабаларимиз бор билим ва маҳоратларини намойиш этиб, катта олқишга сазовор бўлиди. Бу танловда энг юқори натижаларга эришган физика-техника факультетининг «Оқсарой», ўзбек филологияси факультетининг «Баронгор», биология-география факультетининг «Турон юлдузлари» жамоалари фахрий уринларни эгаллашди.

Янги йил арасида информатика ва ҳисоблаш техникаси кафедраси билан бирга яна бир қизиқари курик-танлов ўтказилди. Унинг гойибларига университет ректорининг буйруғига кура йил давомида стипендияларга қўшимча 15 фоиздан 25 фоизгача ҳақ туланилган бўлди. Бундай шарафга Нурилла Комиллов, Исроил Исмоилов, Алимардон Жумаев, Акбар Алиев, Иқбол Собиров, Қўлат Асқаров ва бошқа иштирокчи талабаларимиз мушарраф бўлиди.

Бундан ташқари талаба-ёшларни мустақил юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишларини таъминлаш учун махсус дастур ишлаб чиққанмиз. Бевосита марказимиз томонидан тузилган «Табассум» ашула ва рақс ансамблининг ёшлар ўртасида тез-тез концерт дастурлари билан чиқиб туршишларини уюштириш, талабаларга моддий ердам бериш, ёшлар ўртасида социологик тадқиқотлар ўтказиш ва бошқа қатор оммавий тадбирлар уюштирилиши режалаштирилганмиз.

Тоҳиржон ШОКИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг биринчи ўринбосари раиси

## ИЛМ ДУНИГА ЙЎЛ ОЧАДИ



**Хозирги ёшлар**

Истиқлол ёшларга жаҳон сари йўл очмоқда. Президентимиз кунги кечагина айтган «Менинг асосий ишончим — ёшларда» сўзларининг жарағи билан бузун руҳланиб яшамоқдамиз.

Бизга бутун миллат, бутун давлат, бутун юрт ишонч билдиришмоқда. Ёшларнинг таълим-тарбия олишлари учун яратилган имкониятлар турли жамғармаларнинг фаолияти бунга яққол мисолдир.

Қадимда донишманддан сўрадилар: Илм неedir? — Айтди: Илм ҳақиқатдир.

Яна сўрадилар: Ҳақиқат неedir? — Деди: Ҳақиқат — илмдир.

Илмсизни олам, ҳақиқатсизликни одам севамайди. Инсониятнинг орзуси эса севамоқликдир. Зеро, 1997 йил инсон манфаатлари йили деб эълон этилди. Бу йил ана шундай орзуга қанот боклашга имкон беради.



**Спорт янгиликлари**

### ЎЗ УЙИНИНГ ШАМОЛИ БОШҚА

Самарқандда эркалар ўртасида волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионатининг уч босқичи якунланди. Мусобақалар кескин курашлар остида ўтди. Чунки, голиб 14-18 май кунлари Ливанда ўтказилган волейбол бўйича Осиё клублари чемпионатида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритди.

Уч босқич якунига кура, Самарқанднинг «Кина» клуби 14 та гол тутиб, биринчилиكنи қўлга киритди. Қўқонлик волейболчилар улардан беш гол ортда қолди. Чирчиқлик спортчилар эса учинчи уринини эгаллади.



**ЭНГ МОҲИР КОМАНДА**

Республика олий спорт маҳорати мактабининг ёш футболчилари Санкт-Петербургда қайтиб келди. Улар «Санкт-Петербург» кубоги мусобақасида иштирок этиб, Германия, Россия ва Беларуссия командалари билан куч синашди.

Бу мусобақада ёш спортчиларимиз бешинчи уринини олган бўлса-да, «Мусобақанинг энг моҳир команди» совринига эга бўлишди.

(ЎзА).

## ЎЗИМ ЁЗМОҚЧИ ЭДИМ...

...айтиб берсам шундайлигича эвасизми? — деди менинг мақсадимни эшитиб аспирант олам.

— Албатта, қани бир бошдан бошланг, бўлмаса.

— Биринчидан, сарсонгарчилик қийнаб юборди бизни. Жой етишмапти, деб хали у етоқхонага, хали бу етоқхонага қўчиришди. Талабалар етоқхонаси эса аспирантларники эмас-да барибир. Магнитофон, шовкин-сурон...

Шу пайт 7-кават йўлгагида шовкин-сурон бошланди. Болакларнинг қий-чуви, велосипедчиларнинг гичир-гичири...

— Ие, — ажабландим. — Талабаларникидан ошиб тушар экану аспирантларнинг етоқхонаси. Болалар богчаси ҳам шу ердами дейман?

— Менг сизга айтмоқчи бўлган иккинчи масала худди шу ҳақда эди. Сарсонгарчилигимиз ҳам шундан бўлса керакки, аспирантларга ажратилган хоналарнинг ҳақини тўлаб турмушларга бўшатиб беришди. Кеча кечкурун «Ишим» езаман деб роса илҳом билан столимга утирсам, қўшини хонадаги болаклар ҳам худди уша пайт илҳомлари келиб, уйини бошлаб юборишса бўлмайми? Кейин эса уларнинг ота-оналари билан жанжаллашадиган узга чорам қолмади. Бир неча соат давом этган жанжалдан сунг... Кечирасиз, меҳмонга чой қўйиш эсимдан чиқибди. Мен пастанд суз олиб чиқай. Бизнинг қаватимизда сув чиқмайди.

Аспирант олам бир қўлларига катта пақир, яна бир қўлларига эса каттакон чойнакни қўтариб олдилар. «Шошилманг, мен ердамлашман», — дедим. «Йўғ-э, сиз меҳмонсиз, утиринг. Ҳижолат бўлманг, Меҳмон бўлиб Сизни қийнаб қўяётганим учун узим хижолатданман», — дедим қўлларидан чойнакни олиб.

Искаламиз сувни бир амаллаб олиб чиқдик-да, эшикни очдик. Хона қоп-қоронғилиги учун: «Вой кеч кириб қолибди, кетишим керак» — деб юборибман бехиёр. Она эса кулиб юборди. «Хонамиз совуқ бўлганлиги учун деразага одели эпиб қўйганман. Хали эрта, шошилманг. Паловхонтура қилиб бераман узим. Маза қилиб еймиз». Она шундай деб ошқонага йўл олди. Жавонга териб қўйилган китобларни қўздан кечира бошладим. Ҳамма-ҳамма яхши китоблар гуе шу ерда. Она уқимаган китоб қолмаган бўлса керак эди. Қалласи зурда. Илмий ишни тезроқ ёзиб битира қолсайди. Бунақа шароитда эса Худо билди қачон...

## ХОТИРАЛАР ҚАТИДАГИ ЁТОҚ

Талабалар шаҳарчасида оқшом чўққан пайт. Ташқарида кишининг сокингина аччиқларини писканд қилмай хоналарга ситмаган ёшлар. Талабаларнинг одати қизик-да!

...кимир меҳмонга борди, кимдир танишини кутди. Қайсибир хонада баҳс бўлади, дединг дунюнами.

Ушга қалдрон «Чолиқуш» қузимга утлай қўриниб кетди. Китобни олиб аста варақладиму ичига шунгит кетибман. Бошимни кутариб соатга қарашди: Йўғе, шунча вақт ўтиб кетибдими?

Бу кўнлар қаватда дам олиш хонаси бор, у ерда телевизор, газета, журналлар бўлиб, талабалар эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга. Камчиликларга келсақ хоналар совуқ, ошқоналарда электр плиталари урнатилган. Тўққизинчи қаватга кутаришганимизда йиғилган тозалик ҳақида мажлис қилаётганининг гувоҳи бўлидик.

Бизлар қайси хонага кирмайлик, юқоридики фикрларнинг гувоҳи бўлидик. Айтганимиздек туққиз қаватли етоқхонада 300 дан ортқ талаба (бир қаватда ун олти хона, унда 50 га яқин талаба) истиқомат қилар экан. Учинчи қаватда фақат қизлар бўлиб, улар атғи 22 нафар экан. Энергетика факультетини 3-курс талабаси Балғорат Тулганбоевнинг айтишича, етоқхонада университет хотин-қизлар Кумитасидан келиб, шароитлар билан танишиб, тез-тез сўхбатлар ўтказиб тураркан. Сантехникларнинг яхши ишламаслигини ҳисобга олганда шароитлар ҳозирча яхши, дейди дунюнами.

Етоқхонанинг «Б» бўлимида ҳам шароит шундай. Хоналарда электр плиталари, магнитофон, даэмол ва бошқа буюмлар ёқилган. Сарфлаётган моддий зарарини бир қўз олдингизга келтириб қўринг. Кун бўлиб дарслардан ҳориб қайтган талаба қолган вақтинги аксарият беҳудаса сарфлайди. Дарс қилиш мумкин, ҳаммаси ҳам эмас. Уйқу билан машғул экан саватобозлик қилади. Дуне хабарларидан, янгиликлардан албатта беҳабар. Ҳафтада уч кун «Морена Кларани» еки «Муҳаммадун Расулдуллоҳ»ни бир хил пайтда қўрини учун биринчи қаватга туланиди.

Талаба ҳаётининг беш йилин шу ерда ўтказди. Шу ер унинг учун азиз. Ахир бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом бер деб беҳиз айтилган. Қўнлар етоқхонада кечган кўнларини ҳар қандай бахти қўнга алмашмайди. Қим уюнди ҳаётининг энг бахти қўн етоқхоналарида унган бўлар. Хотиралар қатига етоқхоналар муқаддас бўлиб ёзилди.

А. ХАМИДОВ.

**«Камолот» соврндорлари**

### ЛОЛАНИНГ БАХТИ

Тошкент шаҳар Шайхонтоқур туманидаги Хитой тилига ихтисослашган Қўчқор Турдиев номи 59-мактабнинг 10-«А» синф ўқувчиси Лола Шошайевна барча ўқитувчилар ва ўқувчилар хурмат қилади. Мактабда буладиган турли тадбирлар, танловлар Лоланинг иштирокисиз ўтмайди. Бир неча йилдан буён шаҳар ва вилоят олимпиадаларининг иштирокисиди.

Елин ун бешида; Севган машғулот — туқувчилик; Қизиққан фани — Хитой тили; Уч рақамини, дўшанба кунни, бақор фаслини яхши қуради; Севган сўзучиси — Саид Аҳмад, шоири — Эркин Воҳидов. Хурмат қилган киқиси — синф раҳбари Азиза Георгиевна. Хитой тили ўқитувчиси Вера Васильевна Кай-Су.

Лоланинг анча жиллий, теран фикрли, сузи кескир қиз экани сўхбат бошидаек аён бўлди.

— Ойида уқини учун шароит етарлими? — Ҳа, дадалар бизнинг яхши билим олимизимиз учун барча шароитларни яратиб берганлар. Нокамтарлик бўлмаса айтгай, акам Улғубек Хитойда — Пекин тиллар институтида туртинчи курсда таҳсил олапти. Шароит борилиг учунми, акам шу даражада етилар. Онам укам ва менинг ўқилларимга доимо қўмақлашадилар.

— Сизнингча ёмон дарслар ҳам борми? — Ҳар бир дарс маънавий мақсадга қўйилган. Ҳар бир фан ўқувчи учун қайсибир маънода фойдалани. Ҳеч қайси дарсларимиз ваз қўйилмайди. Емон дарслар бўлмайди. Емон ўқувчилар бўлади.

— Мақсад инсонни меҳнатга, ҳаракатга ургатади, шундай эмасми? — Ҳа, инсон эзгу мақсадлар йўлида меҳнат қилар экан, у доимо изланади, яхшилик сари интилади. Президентимиз қизларга қатор фармонлар биз ёшларни шундай ҳаракат қилишга ундайди. Олдий ўқувчи сифатида мақсадларини қўн, яхши билим олиб, чет элларда ўқини давом эттиришни, Ўзбекистон келажига, унинг истиқбол учун меҳнатини сарфлашни уз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

«Камолот» жамгармаси стипендиясига сазовор бўлган ҳаётимдаги муҳим янгилик бўлди.

Феруза ОРИПОВА.



ЎЗИГА ХОС БИЛИМ МАСКАНИ

Норин тумани халқ таълими бўлимига қарашли 10-боғча-мактаб-гимназия ўзига хос билим масканларидан бири...

Бу маскан 1989 йилда ўз фаолиятини бошлаган. Дастлаб 6 та бўлган гуруҳлар сони кўпайиб 8 тага етган...

СУРАТЛАРДА: компьютер-информатика фани ўқитувчиси Дилмурод Турғунов 2-синф ўқувчиларига ларс утмоқда...

Ш. ОЛИМОВ (Ўза) олган суратлар



Ўзбекистон — Ватаним меним ҚАЛБИМНИНГ КАЪБАСИ

... Қушимизнинг энди-гина тетапога қилаётган уғилчасини уйимизга етакладим. У менга, уйимизга хадиксираброк тикилди...

чи УЛКАН ватани. Қалбда унга нисбатан меҳр, ишонч... бор! Ватан... Бу улғ саждагоҳ учун неча-неча одамлар ўзларини қурбон қилганлар...

Муаллиф ҳақида Утган йили Республика Улуғбек номидаги истеъдоди ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташаббуси билан олий ўқув юрталари ўрта-сига «Ўзбекистон Ватаним, шошарафим» мавзусида публицистика, шеър, расмлар талови эълон қилинган эди.

«Туркистон» — SOS ТЕГМАНГ

Сарбосиёда шундай узун-қулоқ таплар ниҳоятда тезлик билан тарқалиб кетди. — Туманда қуёбумачилик, қушиб эшиллар авж олиб кетган эмиш...

INTERNET ЧЕЧЕНИСТОНДАГИ САЙЛОВ ҲАҚИДА

ГРОЗНИЙ. Кеча Чеченистонда бўлиб ўтаётган президент ва парламент сайловларида юкори давлат раҳбари лавозимига ўз номзодини қўйганлари сони 16 тайдан 13 тага қайилди...

АМИРЛИКЛАРНИ ЖАЛА БОСДИ АБУ-ДАБИ. БААДА ҳақдан ташқари қуруқ қелган бу йилги қиш қутилмаганда мисли қурилмаган жала билан бузилди...

БИР ЙЎЛА ЕТТИ ЭГИЗАК МЕХИКО. Мехико клиникаларининг бирида тутилган 7 эгизакнинг (2 уғил, 5 қиз) аҳволи мураккаблигича қолмоқда...

КУЧЛИ ТЎФОН ҚУРБОНЛАРИ ДОР-УС-САЛОМ. 100 дан зиёд Мадагаскар аҳолиси оролга келган кучли тропик тўфони натижасида ҳалок бўлибди келган йўқолишди...

ТЕРРОРЧИЛАР ПОЛИЦИЯ ГЕНЕРАЛИНИ ҚЎЙИБ ЮБОРИШДИ МЕХИКО. «Тупак Амару» деб аталган Перу сул рашикал ҳаракати жангарилари кеча Лимадаги Япония элчихонасида 17 декабрдан буюн гаровда ушланиб турган 73 кишидан бирини — касал бўлган миллий полиция генерали Хосе Ривас Родригесни озод қилишди...

Она тилим — жону дилим

ТИЛ ИЛИМ

Тил ва тафаккур ижтимоий ўзгаришлар сисиласи билан узвий боғлиқ. Тил илми ва тил таълими таърихи ҳам, наزاری ва амалий тўғрисида ҳам ижтимоий-сиёсий тафаккур тарқиқетида четла тур олмайди, уларгаги ушлу-узгаришлар жараёнида муштарак, мувоизий йўналишлар бор. Тилимиз тинчликнинг, диндор, таълим тизими тўғрисида янги аниқлашлар билан эски ақиқатлар тўқнашувига юз бермоқда...

Тавъизм Шундай одамлар буладики, бутун умрини бир касбга садоқат билан бағишлайдилар. Унинг барча ташвишу қувончларини бирдек қурдилар. Эрматом Абиоров ҳам ана шундай инсонлардан. Тошкент қурилиш коллежида ажойиб устоз, истеъдодли мураббий, ушбу укув даргоҳи директори Эрматом Абиоров мек-касблари, дустлари йиғилди. Маросимга келарди мураббийнинг қуплаб шогирдлари, ҳам-нат истеъдодга куза-йилди. Маросимга келарди мураббийнинг қуплаб шогирдлари, ҳам-

# «УН САККИЗДА УН САККИЗТА КИРМАТ» ҚИММ БОР!

## ДАДАМГА МАКТУБ

Далажон, сизга туннинг сокин бағрида бедор бўлиб мактуб ёзгилман. Мен сизни аввал ҳам яхши қурардим, энди яна ҳам кучлироқ яхши қурардим. Сизнинг қадрингизни шу узок шаҳарда, шу пайт ёлғизлигимда янаям тeрaнpoқ ҳис этгилман.

Далажон, мен шу пайтгача ҳеч қимни Сиздан ортиқ яхши қурмабман. Ҳатто йулмига кунгилларини, дилларини гулларга қушиб сочган, мени деб ўзини минг куйта солган йигитларга қайрилиб ҳам қарамабман! Юрагимда фақат Сиз ва Опама бўлган муҳаббат ҳукмрон эди-да.

Энди эса... Энди, далажон, кечиринг, бу тeлбa юрaқкa тaғин бир муҳаббат кирди. Тутғирого, муҳаббатни узим тилаб олдим. Кунглини тош қургон ичига қамаб, кунгли сенда деб турғувчи бир жуфт қора кузга асир бўлдим. Мен кунглим яраларига даво топмай туриб унинг кўзининг қораларига алданиб қолдим, далажон. Дада, Сизни фарзандлик меҳрумуҳаббати билан ардоқлар эканман, қалбимдаги меҳмон муҳаббат ҳам шайверар эканмикан, деб қурқаман. Далажон, бу уят гап, лекин айтишим керак-ку! Сиз мени айбламайсиз-а? Мен севиб қолдим. Уйдан-да гурури баланд, ори баланд йигитни. 19 ешимнинг бор йўқ гуноҳи шу. Кечалари оромимни угирлаган, кундузлари ҳам мeнга ҳaлoвaт бeрмaгaн йигит, муҳаббатимни билмайди. Билмай-ю, барибир кунглининг турида сенсан, билман Сен узингдан бошқа ҳеч қимни яхши қурмайсан. Сен тошсан дарди йўқ — деб фаред солаверди. Дада! Қизингизни биласиз, уяж, дили осмон, гурури осмон. Ҳеч қимга бўйин эгишни хоҳламайди, чунки Сиз доимо қизим, сен мени қизимсан дердингиз мени билан фахрланиб.

Далажон, кунгли карвонсарой, унга хоҳласанг-да, хоҳламанг-да қимлардир келиб кетавeрaди дeйдилaр. Шу ростми? Менинг карвонсарой кунглимга биринчи бўлиб кирган инсон мангу қолармикан, эки...

Муҳаббатни ихтиёр этиб, ҳаёлотта эрк бeриб aзoбдa яшaгaн гуноҳсиз гуноҳкорингизни (агар севиш айб бўлса!) кечиринг, кечиролсангиз...

Сизни соғиниб қизингиз ШАРИФА

### Муштарий илҳоми

## «САМАНДАР» ҚУШИҒИ

Мен фалак қамонига ўйла бир ишонамен,  
Илоҳий ишқ гулҳанда майса янглиғ ёнамен.  
Рух қанот қоқиб вужудим лағча ўтга ташласа.  
Сенинг каби Самандармен ўзгичмдан тонамен.  
Беғуборим нима қилдинг, ҳисларим дод айлади?  
Кўзим қаросига ботди суръатинг хайронмен.  
Гар илож топсам вале кетгум эди Фарғонага,  
Не илож йўқ имконим, беқанот мардонамен.  
Илҳоминда тупроқ эрсам, осмонингда юлдузмен,  
Кўзларинг юмсанг тушунгмен.  
Кўз очганда кундузмен,  
Юз ўгириб кетолмассен,  
Қаён боқсанг хариз мен.  
Сен олис шўъла янглиғ иштизор парвонамен,  
Титраб турган япроқларнинг титроғида мен бормен.  
Қишининг қаттиқ чилласида муз сийдирган баҳормен.  
Сен ҳайдасанг бу оламдан кетмоқликка тайёрмен.  
Бойлигим сўз, шеърят қасрида девонамен.  
Бахтиёрлар ичра турган битта шўр пешонамен.  
Қалбим юксак самоларнинг парвозига шай турар,  
Шу юрaқкa Самандармен, дардсизга бегонамен.

Иноят СУЛТОНОВА

Сокин-сокин титраурман жамолнинг васфидан. Балки ҳоқу, балки ҳоқисор бир ишқ яшар ернинг васлида. Жонини нисор қилгулик бир соғинч оқади томирларимда. («О, мунисим, онам-а», урғанмангиз бул қандайин разолат деб). Булки шундай адолатдур, Дуңе узра неки соғдур илғаюрман.

Чашми мастонини Ватан деб билиб, қалби гиринини Осмон деб қуриб кечирган фаслар, Субҳлар гувоҳдир. «Бу ишқ маҳшар сари оқади, осийсан-осийсан» дея уввос солманг, гофиллар. Бу хуршиддур, сунг қамар бўлади. Ҳотинингизда бир лаҳза яшанг, меҳр билан, муҳаббат билан. Кунглингизга йул солинг илоҳий ишқингиз бўйидан.

Ваҳдат чулда. Ҳазрати Машраб «қуйиб жону-жаҳонин урғатанида» ишқ саҳросининг саксовуллари султон бўлибмишди, бу сеҳрининг жонбахшигидан. Ҳамрозим, ҳабимим, яқинроқ келинг, энг муаттар хаёллар билан утаётган тунлар азиздур. «Сева-сева хароб бўдик, айтинг бу не азоб бўлди», дебон қуйинманг, фаслдан адашган кунлар хурмати. Ахир угли Моҳларойим, Зебунисо, Увайсийлар «бу ишқ сиррин китоб элтиб». Биз қимки алар ол-

## БУ КУНЛАР КАМАЛАК ФАСЛИДИР

лида? «Мудом хорликми, хурликми?» дея йигламанг. Андуҳлардан юксалган жонни паноҳига олғай Худойим! Ишпоолоҳ!

Истаса куйида пайхон қилғувчи, минг бора улдириб сунг яратғучи қаҳри қотилдан-да оғринманг, дустим. Бир кун билади, умрини чароғон қилганимизни.

### Дил дарди

—... Бўлмаса ишқ недур?  
— Сураманг, бағрим қуяди. «Кимдур у? Соҳибни виқордил?»  
— Саволаманг, томирим ерилиб кетади, азбаройи хаяжоннинг шиддатидан.  
«Узанинг шахсий мулки каби хусусийлашиб кетган жонни уйламанг, даҳ-

севишга, ҳеч нега қодир эмасдурлар. Ахир биз кунгли фуқароларимиз, ўз салтанатимизга буйсунамиз. Танғридан жасорат, ишқ куйини бугзимизда олиб кетмакликка, куйлаб утмакликка, қудрат сурайлик. Сунг таскин изламанг. Тазарру чекмоғимизни кутмасинлар. «Тасаллига келмасинлар» зеро, «синган жисм тигли бўлади». Бизнинг кетмоғимиз маҳбубимиз учун қиёмат бўлсин. Ениб-ениб, тониб, тониб кетайлик.

Куласам, осмондай қулайман,  
Муъжиза бўлади ўлимим.  
Юрагингиз кузатаман жим.  
Заминий байроқдир сочларим,  
Етти оқилм узра титрайман.  
Кетмоғимни кутмасил зинҳор,  
Кетсам сендан дунё сўрайман.  
Озода БЕКМУРОДОВА

## СЎРАГАНИНГ ШУ ФАРЗАНДИМИДИ?

...Бу оилани қишлоқда ҳамма билади. Бир пайтлар энг обрўли бўлган бу хонадон бугун пароканда.

Меҳр урнини қаҳр, қувонч урнини ғам эгаллаган... Шарофат опа билан Қобилжон акалар бир неча йил фарзанд доғида куйдилар. «Ота», «Она» сузини эшитмак илинжида юрғатилан бир парча қолди. Узағларнинг болаларини ўз болаларидай меҳр билан суйдилар. Узил билан тиккан куйлақчаларини бетоналарга тортиқ қилдилар...

Оралай йиллар утди. Танғрининг даргоҳи кенг. Аллоҳнинг инояти ила бу хонадондан ҳам чақалоқ йиғиси эшитилди. Опаанинг қувончи-ю, шодлиги шу уйга қушиб келгандек... Чақалоққа орзу-умидларимиз рўебга чиқсин, дея «Умиджон» деб исм қуйдилар... Қувончи куйларнинг бирида Қобилжон ака тусатдан вафот этди.

Қанча йиллаб урғанмасин. Шарофат ая тақдирга тан-бермоқдан узга илож топмади. Қузининг оқу-қораси бўлган углини ҳеч нимадан қамситмай устурди. Уқимасин, дея айтган нарсасини муҳайе қилди.

Умиджон жулда эрка бўлиб усли. Энди у истаган нарсаларга онанинг қучи етмай қолди. Тайёрига урғанган уғил эса онасини койиб бошлади. Узи эса на уқилди, на ишлади. Иносфат келиб қолса керак, деган умидда она Умидни уйландирди. Шўқрки, келин ибодитига, меҳрибонига чиқди. Аммоки, уғил онага бeмeҳр эли...

Углининг хатти-харакатини аввалдига сира қабул қилмаган келин, бора-бора қуниқиб ҳам кетди. Ҳатто эрига ён боса бошлади...

Хонадондан файз кутарилди. Елғиз уғилдан қайтаётган оқибатдан қушнилари, яқинлар газабга келди. «Елғиз уғил — елдан ёмон», деганлари шумикан ё?...

Уша оқмон она набирасидан чой дамлаб бeришни сурлади. Набир эса эҳтирсизлиги туфайли суви қайнаб турган чойнакни тушириб юборди. Оқибатда оёти куйди. Набирасини қасалхонага қуйиб қайтган угли на келиндан онахон минг азоблар билан кечирим сурди. Аммо бeмeҳр фарзанднинг қулоғи кечиримни эшитармиди?...

Шу тун онахон мангу уйкуга кетди. Унинг естиклари куз ешларидан нам бўлмади, бу сафар унинг юраги йилган эли...

Нилуфар ЕҚУБЖОНОВА,  
Анджон Давлат университети талабаси

## БАРИБИР ЎЗИНГ ЯХШИСАН

Келдинг... Кўзларинг ҳар доимгидай бефарқ.  
Ҳасрат дилмидаги пинҳон тугёнларни уйғотади.  
Юрагим кўз ёшларим тафтига аранг исинади.  
Иккимиздан яна садо йўқ... Орамиздаги елғиз сукунтингизна сабри тўлади. Бу сафарги кўз уриштириш уйинида яна сең ютқазасан. Қаловланиб кетишга ҳозирланасан. Кетасан... Мен яна голиб! Сен бу уйинда мeнга тош отмаган бўсанг-да, аммо, сенга бўлган ардоқли чексиз туйғуларимнинг оддий тошошабини бўлиб турдинг. Мен муҳаббатда тошларнингмас, сенинг лоқайд нигоҳларинг зарбидан диллим вайрон бўлади. Ҳар сафар бу уйинларга сунгити ҳукм ўқийман, аммо барибир вужуд-вужудим билан сенинг, уша маънос, тeлбa нигоҳлари нгги соғиниб излаб кетаман...

Умида ҲАСАНОВА.

хулоса чиқараман. Лекин узим тан олган ҳақиқатни гурурим сира тан олмайди. Қалбимда доим гурур иштироблар узаро бир-бирини икор этиб яшайди. Муҳаббат ато этган қувончлардан завқланганим ҳамон гурур ва қувончларимни жилдлашга утади. Ақл-идроким қупинча бу ҳолатни

Сизнинг муҳаббатингиз ҳақиқий эмас эканда. Чинакам муҳаббат бошқа ҳар қандай туйғунини забун аҳволга солиб қуяди, дея эътироз билдирманг менга. Муҳаббатимнинг ҳақиқийлигига бошқалар ишонмасам ҳам узим ишонман. Бирок, мeнга бун-



Саҳифа Наманганда чоп этилаётган «Камалот» газетаси исҳодкорлари билан ҳамкорликда тайёрланди.

## «УН САККИЗДА УН САККИЗТА ШЕЪР» ТУРКУМИДАН

ҲАЙРАТ ҚОСЛИ

Оёқлаанг, чағ кўчалардан —  
Болаликдан кетиб қуйилман,  
Ераб, ўзим биллими-билмай,  
Ун саккизга етиб қуйилман.  
Беғубор ишқ, беғубор қўнғил.  
Яшар эдим дунёни севиб,  
Ужарлигим, бебош шўхлигим.  
Орта қолди юраги қуйиб,  
Бугун барча ёзувлар ўчган.  
Кўзларимда шўхлик эмас ёш,  
«Севаман» деб хат ёз бир яна  
Қаерларда қолдинг сиффим?  
Қулар мени нархлалақ қилад,  
Юрак оқиб кетди-ку қуйлаб,  
Нега мени ютқизиб қуйдинг,  
«Оқ теракми, кўк терак» уйнаб.  
... Шунчасидан кечиб топганим,  
Чорлаганим чўққачимча тиз,  
Тамом! Мени ҳеч қимга берма,  
Мен кашф қилган дунё ун саккиз.

## АЛДАҲИМ ҚОСЛИ

«Сизни севомайман. Кечиринг»,  
Кўжда чақмоқ чақилди гўё,  
Уқсиб-ўқсиб йўлаб кетди сўн,  
Емғирпўшининг остида дунё,  
Ун саккиз ёш кўзлари ёшли.  
Адам бағрин кетяпти тилаб,  
Ун саккиз минг олам кетяпти,  
Емғирпўшининг остида йўлаб,  
...Отилади кейин Емғирпўш,  
Соҳларига осмон томчилар.  
Кеча гулар сийпаган юзни  
Савалайди бедил томчилар.  
Билаб бўлмас, бу қузми, баҳор,  
Умримда гул қилмоқда фарёд.  
Бир Емғирпўш бўла оламнинг  
Менга бахтлар аламан ҳайт!

Гулжамол АҚҚАРОВА.

## БЕВАФОЛИК ШУНЧА БЎЛУРМИ?

«Севги!» Қалб аталмиш қасрининг ободлиги бу. Ваъда вайронлиги ҳамдир...

Муҳаббат! Йуллардай олис дилларни яқинлаштиргувчи ваъда, олислагувчи ҳам шу туйғудир!

Ишқ! Не-не ақли расоларни ҳам тeлбa этгувчи ваъда, тeлбaларга шифо бергувчи ҳам худди шу ишқдир...

Ушбу сатрларни қай бир севаган кунгли соҳиб аччиқ хулоса тарзида айтган экан, билмадим. Аммо шу руйи-рост ҳақиқатки, у биз яшаётган заминда яшайди, биз юрган йуллардан ҳар кун қатнайди. Гарчи шундай бўлса-да, бугун биз негaдир, уни ва у қабиларга тукнашиб кетсак-да, танимаймиз. Чунки...

Бир кун тасодифан дугонани учратиб қолдим. Йул устида бўлсак ҳам «ғийбатлар» авж олди. Узингиз биласиз, икки дугона учрашиб қолишганим, албатта, муҳаббат ҳақида сўз очилади. Мен ҳам унинг авваллари ҳамқишлоқ бир йигит билан севишиб юрганини билганим учун қизиқиб, сўз сурардим. Аммо унинг жавоби...

— Э, у «қишлоқ»ни бошимга ураманин энди?! Уқишга кириб билармансан «йигит» қанақа бўлишини...  
— Ахир...  
— Кел, қуй тапирмаган уша «тупой»ни...  
Уқишга кириб «йигит» қандай бўлишини билиб қолган дугонанинг «қишлоқ»и деб атаган йигити қанчалар софдил, тугрисуз эканини яхши билсам-да, унга тушунтиришининг фойдаси йўқ эди...  
«Ундан кейин нечтаси билан гаплашдим-у...»  
Э, воҳ! Бу унинг бeпарқoғина айтган сўзлари!..  
Дугонаним оқламоққа қандай сўз, қандай баҳона қидирай? Бу ниманинг меваси? Оиладаги тарбиянинг таъсирими е? Ахир, унинг ота-онаси бугун маҳаллага намуна бўлғувчи зиёли кишилар-ку! Ва е муҳит айборми? Ундай десам, у билди юрти ҳам эмас, институтда таълим олаётти.

Шахло ТОШБЕКОВА,  
НамДУ журналистика бўлими талабаси

## ГУРУРМИ... Ё МУҲАББАТ?..

Мен қупинча узимни тушунолмайман. Қимнидир севишимни биламан. Қимлигини ҳам... Аммо бу туйғу севишими еки бошқа бир ҳиссиетми? Ана шу саволга жавоб тополмай қийналамман, ҳа, бу севиғи, деб

маъқуллайди. Гурурим муҳаббатимни қадрсизланишдан сақлайди, деб фикр юритаман-у, аммо бу мағрурлигим туфайли бир кун ундан ажралиб қолсамчи, деган хавотир ҳам мeнга тинчлик бeрмaйди.

дайд айб қуйганингиз учун гуруримни ҳам айбла олмайман. Мен муҳаббатим туфайли гурурим, гурурим туфайли муҳаббатим азият чекмаслигини хоҳлардим.

Алишер, талаба.

## СОҒИҶУ

Билмадим. Менинг бу сўзларимни тинглаганингизда сени қандай туйғулар чулғаб оларди?! Агар кўнглингизда озгина бўлса ҳам меҳр-муҳаббат бўлганида, балки илтижоларимга қулоқ тутардингиз, балки мени сокин бир гушада ёлғиз қолдирмасдингиз, вужудимга ҳарорат бағишлаб, бирор сўз айтмасдингиз, билмадим...

Аммо, ана шу бахтиёр дамларни қутиб яшайман, соғиниб яшайман. Оллоҳ инъом этган ҳаёт гулҳанининг но-дир гуллари, умримнинг мазмуни деб фақат ана шу онларнингиз биланман. Сен менинг ҳаётимда гўё кўчада олдимдан ўтиб кетаётган бегона йўловчи янглиғ бeпарво ўтиб кетавердинг. Менинг ана шу дамнинг узид мeнга қанчалар-қанча ўю-хаёллар, орзу-умидлар, ўтди-туйғулар бахш эта олганингиз биласанми? Бу билан ҳам бахтиёрман. Уйларимдан кетган фикрларни сенга баён қилиб ифоллашга оқизман. Юрагимда, қалбимнинг туби-тубидасанки, бу билан мeндан янада йироқлашасан.

Фарёдларим бутулларни яқсон қилди. Емғирлар — уларнинг кўз ёшлари — иссиқ танамни бир оз соғунтишга хизмат қилмоқда. Бу табиатнинг мeнга, бир тартиб бeчoрaга қилган саховати, инояти, меҳрибонлиги бўлса керак. У ҳам менинг бу иштиробларим тафтига дош бeрoлмади, юм-юм жолалар тўқди. Бирок, сен... Менинг бу қалар урғанишимни биласанми? Бирон он ҳаёлингдан ўтказганими? Агар шундай бўлса, бу билан мeн янада бахтиёрроқ бўлар эдим. Азиз севиғим!

Наргиза, талаба



Саҳифа Наманганда чоп этилаётган «Камалот» газетаси исҳодкорлари билан ҳамкорликда тайёрланди.



ТОХИР МАЛИК

УЧИНЧИ КИТОВДАН БОБЛАР

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

Гилайнинг шу халда юрмагани ҳам Кесақполвоннинг бахтидан. Агар мулкка эгалик хисси уйғонсами, бу жон аччиғи нисбатан кудратлироқ бўлар, бу хисси эса унча-бунча занжир жиловлай олмас эди. Гилай қўл-оёғи боғланган ҳолда, гарданидаги оғриқдан азобланиб етганида ҳожасини куз қири билан куриб, нима қилишни фикрлаган, узининг чорасизлигига амин бўлган эди.

Кейинги кунлар ичи Ҳосилбойвачча голиб одамнинг қаламлари билан одимлай бошлаганида Гилайнинг шум кунлиги бир ноқушликни сезган, уни йўлдан қайтаришни хал ҳам қилган, амамо ҳожасининг унчаларининг маслаҳати юрмаслигини билгани учун тилини тийган эди. У буйруқни бажарувчи сўқир жангчи эди, узқни кура оладиган суқир саркарда эмасди.

Машина Ҳосилбойваччининг дарвозаси қаршисига тухтаганида Кесақполвон «Тушавер» деган маънода Гилайга қаради. Гилай уридан ларво жилмади. Бир неча соат илгари бу остонадан мағрур ҳолда болаиб чиққан одамнинг энди бу уйга мулк қайтмаслиги унинг қалбини эза бошлади, дея олмаймиз. Қалби эзилмасда, бу уйнинг ҳожасиз қолгани унинг учун ноқуш эди. Ҳозир машинадан тушиши керак. Ҳовлида қириб «кеннай!» деб чақиради. (Ҳосилбойвачча ҳам, хотини ҳам узидан анча кичик бўлишса-да, ҳожасининг хурматини қилиб, «қелин» эмас, «кеннай» дерди).

Ҳожасининг (энди собиқ ҳожасининг) завжаси чиққач, «амамо сафарга кетдилар», дейди. Бунақа ҳол кўп бўлган. Шу сабабли аёл «қасқа кетдилар, қачон келдилар?» деб сурамайди. Гилай учун шуниси дуруст.

Кесақполвон бир неча нафасига таратилган Гилайнинг елкасига «туша қол» деган маънода аста турти. Гилай унча бир қараб олиб, машина эшигини очди. Кесақполвон қулига тушпончани олди.

Машина билан уй орасидаги масофага қил қуриқ тортишган, Гилай шу қилқуриқ устидан, лангар чүписи борарди. Сал оғса улим жарига қулайди. Кесақполвон гарданига уриб утирмайди, тепкинни боса қолади. Гилай буни билгани учун ҳам оқишча ҳаракатдан узини тийди. Ҳожаси хонта беланган, икки бўкилган ҳолда машина юкконасига етибди. Асабкекнинг мулкига эга чиққан ҳолда мағрур қайтмоқчи хал қилган одам чорасиз, бир жанозага, бир кафанга, икки қулоч ерга зор етибди. Кафансиз, жанозасиз кетишни аниқ, икки қулоч ерга эга бўлиши эса Кесақполвоннинг «марҳамати»га боғлиқ. У марҳамат қилса, қабристонга ташлаб утади. Гурков эгалари унутган бирон эски қабрга жойлайди. Оқибатда бирон кампирми ё чолнинг суяклари енида унинг жасади ҳам чирийди.

Қулул табиати шох Жамшид бир булук бошдаги тошта шундай битик ёздирган экан:

Бул чанмага биздек басо лаб урдилар, Келдилар бир лаҳза, сўнг кўз юмдилар. Оқдилар дунёни мардик, зўр билан, Эгдилар, қолдилар бир гўр билан... Ҳақикат шулким, ҳеч қим мулкни орқалаб ўзи билан у дунёга олиб кетмаган. Шох Жамшидлай зот мулкни гурига элта олмаганидан кейин Ҳосилбойваччага йўл бўлсин. Шохни-ку, ўз гури бор эди. Хосилбойваччада шу ҳам йўқ. Бировнинг қабридан жой текканига ҳам шукр қилса бўлар.

Қил қуриқдан бораётган Гилай ҳам, унинг ҳар бир ҳаракатини кузатган Кесақполвон ҳам буларни уйлашмайди. Биринчи мақсади янги ҳождалари билан «яқши ишлаб кетиш», иккинчисиники эса мулкка эга чиқиш. Иблис уларни ўз чодирига шу қадар ураб-чирмаб ташлагани, Гилай ҳам, Кесақполвон, Бутқа, ҳайдовчи йигит ҳам «бизнинг тақдиримиз юкконанидаги бойваччиникига ухшаса-чи, гурта етишолмай юкконда икки бўкилган етсақ-чи?» деб фикр қилишмайди. Яратганининг узи «Қалла ингал инсана лаято Ан роа хус тагна» деганда шу тоифа бандлар назарда тутилмадими экан, валлоҳи аълам?

Тангрининг эмас, эрининг қудратига ишониб қолган, «бу дунё фақат яқши ебичил, яқши қийинил, туй-ҳашамларда зейинатларни куз-куз қилиб утириш учунгина яратилган», деб фикр қилувчи, «яшамокдан мақсад нима?» деб сурашга бўлса эри билан бир хилда жавоб қайтарувчи, ҳусн ила ақлнинг номутаносиблигини узида мужжасам этган бу аёл Гилайнинг гапига дарров ишона қолади. Хавотир ҳисси кунглини зирилатмайди. Оллоҳнинг эмас, эрининг қулига айланган бу жувондан яна нимани кутиш мумкин? Занглаган темир қафасда утирган қул билан тилла қафасдаги қулнинг нима фарқи бор? Аслида-ку,

иккови ҳам бир — қул! Иккови озодликдан маҳрум. Амамо темир қафасдаги озодликни кумсайди, тилла қафасдаги эса бу фазилатдан маҳрум. Агар унга Озодлик берилса ҳам қафасни ўзи билан ола кетишни уйлайди. Шу тоифага мансуб бу жувон бир неча қадам нарида эрининг хорланган ҳолда етгани, Гилай айтган «сафар» индамаслар юртига экани, алоқсиз экани, орадан ойлар утиб, ҳақиқат бўлганидан сув ичувчи «миш-мишларга» ишонишни, ҳам, ишонмаслигини ҳам, аза отишини ҳам очмаслигини ҳам билмай таранг юражанини ҳозир билмайди.

Гилай айтганини айтиб, орқасига хотиржам қайтди. У «энди бу хонадонга қайтмасман», деб уйлади. Кесақполвоннинг хоҳиши билан янада аниқроқ айтилса, Асадкекнинг буйруғига кура ҳожаси «сафардан қайтганича» ҳеч нарса бўлмагандай ҳар кун шу ерда юриши халғига ҳам келмади.

Машина уридан жилғач, Кесақполвон Гилайнинг елкасига уриб қўйди. — Қойилман, эркак дегани шунақа бўлади. Энди, оқаси қузилан, сен ҳам зарчадиг, мен ҳам эзилиб кетдим. Би-бир маишат қилмасак ерилиб уламиз. Бугунги маишат сендан. Дидинг зур, деб эшитганман. Қани, маржаларингни бир тотиб қурайликчи...

— Гап йўқ, оқохон, — деди Гилай. Гилайнинг «оқохон» дейиши Кесақполвонга мойдек эқди. Гилай қайси томонга юриши лозимлигини айтган эди, Кесақполвон унинг гапини бўлди: — Тухта аввал ақохонингни жойига ташлаб кетайлик, орқада димқиб кетганлар, — деди. Кейин ҳайдовчи йигитга қайси қабристонга борилажанини тушунтирди: Йўл-йўлакка гурковнинг уйи қаршисига тухтаб, Бутқа ширақайф бир кишини бошлаб чиқди. Гилай ёнидан жой олган эски чопонли гурковдан ирганиб юзини бурди. Ажаб ҳол: одам улдирилган ирганмаган Гилай одам кумувчидан ирганса?..

Машина зумат қўйнидаги қабристон енида тухтабди, Кесақполвон Гилайга қаради: — Туп, ақохонингни кузатиб қўй, ҳарҳолда қабридон эдинглар, яна нариги дунёда сендан хафа бўлиб юрмасин.

Гилай бу буйруққа ҳам итот этди. Йўлда чиққан одам Кесақполвон мурданнинг қайси қабристонга элитилганини Гилай билмай қўя қолсин, деб уйлаган эди. Кейин «Билсин ўзи кутариб кирсин, «гит» деса ақохонни енидан жой олишини ҳам билдиб қўйсин» деган қарорга келди. Гилай машинага қайтгач, писанда қилди: — Бу ерда анча буқ жойлар бор.

Гилай унинг нима димоқчи бўлганини фахмлади. Гарчи ичиди «зунитга буюрсин», деб уйласа-да, тилидан бошқа гап учди: — Бу ер мен боп эмас экан...

Гилай бошлаб келган маишатхонага кириб боришга танда Кесақполвон уни тухтабди, суради: — Духтирнинг олдига сен борувмидинг? — Қайси духтир? — Узингни гулликка солма, Асадни курган духтирни айтганман. — Ҳа, уми... борувмиди. — Шунди, дедимми? — Шундоқ деди. — Сен шу гапни ақохонингга айтибмидинг?

— Айтувдим. — Ақохонинг Асадникига шунинг учун борувдими? — Йўқ, бир нима курсатмоқчийди. — Нима? — Қизи шалава бўлиб кетган. Шунни видликка олдирган эди. — Қулоққа тепма. — Узим организават қилганман.

Кесақполвон кекирдагига чанг солди: — Овозингни учир. Агар ақохонингга эргашини нестамасанг, бу гапни эсиндан чиқар. Духтирнинг айтганини ҳам унут. Асад умайди. Духтирнинг зўри билан гаплагандим. Даволайдиган бўлди. Ақохонинг аҳмоқ эди, Асад уладиган бўлса, бу ерда мен турибман!

Кесақполвон шундай деб бир қадам ташлади-ю, тухтади: — Кассета қимда, сендами? — Узида эди... — Вой аҳмоқ...

Кесақполвон орқасига қайтиб Бутқани имлаб чақирди-да, қабристонга қайтиб бориб мурданни тинтиб қуришни тайинлади. Бутқа эшик тиркишдан қараб Чувриндининг тинтиганини, нималаридир олганини курган эди. Шундай бўлса ҳам, Кесақполвонга гап қайтармай «хуп» деганича машинага утирди.

(Давоми бор)

(«Шайтана»ни чоп этиш ҳуқуқи «Шарқ» нашриёт-матбаа концернига берилган).

Қушиқ. У қайси жанрда бўлмасин, ўз муҳлисини топади. Лекин, бугунги тингловчи, айниқса, ёшлар сир эмас, кўпроқ эстрада қушиқларини ёқтиради. Ёш, муҳлислар назарига тушган юлдузларимиз улар талабини қондира олаётими? Куйловчи ҳам тингловчи ҳам кўп. Лекин том маънода эстрада хонадаси унчалар кўп эмас. Сўхбатдошим ана шундай эстрада шинавандалари кўнглидан жой олган хонада Маъмура Курбонова. Глизр номидаги мушиқа мактабиди, сўнгра эса консерваторияда тахсил олган. Бир сўз билан айтганда профессионал эстрада қушиқчиси.

— Маъмураҳон, эстрада қушиқчиси даражасига эришиш учун хонадада туғма истеъдод бўлиши шартми? — Қушиқчи бўлиш учун туғма истеъдод бўлиши керак. Яъни Яратганининг узи юктирган бўлади. Профессиналикни эса қушиқчи ўзи меҳнат билан қўлга киритади. Бугунги эстрада қушиқчилигимизга баъзида таъна ҳам қилишди «тақлидчилик кучайиб кетди» деб. Агар у профессионал бўлса ҳечам бошқага тақлид қилмайди, хорижий мушиқларни «уғирламайди». Қушиқчилигининг пири бўлиш учун «ўз» бўлишингиз, ўз мушиқангиз қулини шарт.

— Бугунги эстрада қушиқчилигимиздан хонада сифатида кўнглингиз тўладими?

— Қушиқчилардан ҳам, қушиқлардан ҳам қониқиб ҳоҳиш қилмаган пайларим кўп бўлади. Лекин фалончи ҳақиқий қушиқчи деб уқтириб утишни узимга эл қурмайман. Бировнинг ижодини тафтиш қилгандан кура ўз қушиқчилигим ҳақида гапирсам. Бояги фикримни давом эттирай. Аввало бизда урганса аризулик эстрада маҳорат мактабининг йўқлиги қушиқчиларни шу аҳволга солиб қўйди, деб уйлайман. Шунинг учун Эстрада маҳорат мактабининг ташкил қилиш лозим.

Маю, мутоғ қушиқчилигимизда катта ижодий мактаб бор, Маъмураҳон Узқов, Жураҳон Султонов, Берта Давидова, Мукаррама Турғунбоеваларнинг ҳар бири катта ижодий маҳорат мактабига эга. Эстрадада-чи?

Тўғри, Ботир Зокиров, Юнус Тураев ва бошқа эстрадага тамаол тошини қўйган санъаткорлар ижодидан кўп нарса урганиш мумкин. Лекин улар ҳам эстрадининг уша даврда русум бўлган йўналишидагина қулашган ҳолос. Эстрадининг йўналиши кўп — поп, рок, этно-поп, хит ва ниҳоят жаз... Ҳар бирининг қатъий талаби бор. Эстрада хонадаси дунё халқлари юлдузлари ижодини кузатишни керак. Чунки тингловчингиз сизни «ташлаб» дарров русум бўлган йўналишда қулаётган хонадаги муҳлис бўлиши турган гап-да.

— Жаҳон эстрада юлдузларининг қушиқчилик маҳорати муносабатини билмоқчи эдим. Тингловчиларимизга? Ҳа навбатда уларнинг ўзбек эстрадасига муносабати ҳақида ҳам тўхталиб ўтасак.

— Очиги, бу ҳақда уйласам кўнглим чуқиб қолади. Негаки, ҳали бирорта «юлдузимиз», менимча, уларнинг назарига тушолгани йўқдек. Қушиқчилигимиз ҳақ «бозори»га чиқолмайдими? Йўқ, мен ҳечам бундан ташвишланмайман. Ҳатто улардан илгарилар кетган пайтимиз ҳам бўлган. Майкиннинг бугунги барабан журлигиди қулаётган қушиқлари мушиқасига ухшаш мушиқанни До ни Илёсов бундан 3-4 йил илгарик эганди. Жудам ис-тайман «бу ўзбек хонадасининг йўналиши», деган иборалар жаҳон ахборот воситаларида тез-тез қулаганиб тур-са. Гурурдан кўнглим тоғдек қулариларди. Тўғри, русум-мода қушиқларининг умри қисқа бўлади. Барибир русум

ҚУШИҚ



СЕХРИ

булсангиз, Селен Дион Канадада туғилган, Франция эстрада хонадаси сифатида танилган. Америкада яшайди. Уни бутун дунё Франк-Канада деб атайди. Негаки, унинг ижодида канадаликлиги яққол сезилиб туради, умуман у ҳозир купина халқларнинг миллий қушиқларини ҳам қулайлади. Барибир ўз миллий қушиқчилик йўналишини ҳечам чекимайди. Улар эстрадининг пири деса янглишмайман.

— Кўпроқ Европа «юлдузлари»ни тан олиб гапирарсиз. Нима шарқ хонадалар аер юлдуз бўлиши олмадими? Туркиялик Сардор Урдачин ҳатто «Шарқ Майкл» ҳам деб эътироф этишганди. Мисрлик Муни Абдул Гани, Самара Саид, Шерхон Хуршид ва бошқаларчи?

— Шарқ эстрадаси узига хос. Бу хонадаларни бағоят қадрлайман. Қушиқларини эса оддий муҳлис сифатида эшитаман. Лекин Селен Дион эки Мерар Кэлейларнинг ижодий маҳоратидан нимадир олишга «қўқшига» ҳаракат қиламан. Урганишга интиламан. Ҳали танилмаган хонадалар ҳам нимадир урганиш мумкин, ҳатто супер-юлдуз Майклдан ололмаган ниманидир «оддий» хонадалардан топиш мумкин. Бу ҳар бир қушиқчининг таъбиға, кунглига, руҳий дунесининг яқинлигигаюм боғлиқ-да.

— Сиз кўпроқ турмуш ўртоғингиз До ни Илёсов билан ижодий ҳамкорлик қиласиз. Айтнинг-чи, умуман сизнинг қалбингизга бастакор До ни Илёсов яқинми эки оилангизнинг таянчи До ни ақами?

— Очиги бу ҳақда уйлаб қурмаганман. Шахсий ҳаётимдаги қувончларим — иккала фарзандим Дилором ва Диноди. Узимни бахтли уй бекаси ҳисоблайман. Бу ҳаммаси турмуш ўртоғим туғайди. Қушиқчиликка эса ҳали кўп напсага эришолганим йўқ. Назаримда, мен анчадан буен эстрадада қушиқ қулашамда, энди ўз узанимга тушолмайдиман. Бу бастакорим туғайди.

— Маъмураҳон, умид қиламизки, янги қушиқларингиз албатта, шундай из қолдиради. Зотан, Сизни эстрада қушиқчилигидаги профессионал хонада деб эътироф этаётганлар ҳам шунинг назарда тутишган бўлса ажабмас.

Эстрада юлдузлари

қушиқчиниям, халқиниям дунёга машҳур қилади, танитади. Бунинг учун том матнодаги эстрада қушиқчиси бўлиши керак. Жаҳон эстрада юлдузларидан Селен Дион ва Мерар Кэлейларнинг қушиқчилик йўналишини, мушиқасиям еқади. Майкл Жексон, Мадонна, Сабрина, Тина Тернер... Жерен Жексон... Улар узларининг доимий муҳлисига эга хонадалар.

— Супер — юлдузларни, айттайлик Майкл эки Тинани, Силен ва Мерарни нега муҳлисари «ташлаб» кетмайди?

— Бу юлдузларнинг муҳлиси дуненинг ҳар бурчагида бор. Тилини тушунмаган одам ҳам ашадий муҳлиси бўлиб қолаверади. Чунки улар эстрада жанрининг талабини қатъий билган ҳолда ўз миллий қушиқчилик анъанасидан келиб чиқиб, қушиқ яратадил-да. Улар ҳеч қачон «қучирмайди», «уғирламайди». Гап ана шунда. Шу уринда мулоҳазамни айтиб ўтай. Чет эл, шарқ мушиқасини эшитиш, унган фойдаланиш керак. Лекин уша қушиқчининг услубини «қўқиб» олиш эса хонадалар билан, катта меҳнат талаб қилади.

Франка-Канада қушиқларини ёқтираман. Унинг асли исми Селен Дион. Мерар Кэлейни ҳам. Уларнинг ўз услуби бор. Аҳамият берган булсангиз, Селен Дион Канадада туғилган, Франция эстрада хонадаси сифатида танилган. Америкада яшайди. Уни бутун дунё Франк-Канада деб атайди. Негаки, унинг ижодида канадаликлиги яққол сезилиб туради, умуман у ҳозир купина халқларнинг миллий қушиқларини ҳам қулайлади. Барибир ўз миллий қушиқчилик йўналишини ҳечам чекимайди. Улар эстрадининг пири деса янглишмайман.

— Шарқ эстрадаси узига хос. Бу хонадаларни бағоят қадрлайман. Қушиқларини эса оддий муҳлис сифатида эшитаман. Лекин Селен Дион эки Мерар Кэлейларнинг ижодий маҳоратидан нимадир олишга «қўқшига» ҳаракат қиламан. Урганишга интиламан. Ҳали танилмаган хонадалар ҳам нимадир урганиш мумкин, ҳатто супер-юлдуз Майклдан ололмаган ниманидир «оддий» хонадалардан топиш мумкин. Бу ҳар бир қушиқчининг таъбиға, кунглига, руҳий дунесининг яқинлигигаюм боғлиқ-да.

— Сиз кўпроқ турмуш ўртоғингиз До ни Илёсов билан ижодий ҳамкорлик қиласиз. Айтнинг-чи, умуман сизнинг қалбингизга бастакор До ни Илёсов яқинми эки оилангизнинг таянчи До ни ақами?

— Очиги бу ҳақда уйлаб қурмаганман. Шахсий ҳаётимдаги қувончларим — иккала фарзандим Дилором ва Диноди. Узимни бахтли уй бекаси ҳисоблайман. Бу ҳаммаси турмуш ўртоғим туғайди. Қушиқчиликка эса ҳали кўп напсага эришолганим йўқ. Назаримда, мен анчадан буен эстрадада қушиқ қулашамда, энди ўз узанимга тушолмайдиман. Бу бастакорим туғайди.

— Маъмураҳон, умид қиламизки, янги қушиқларингиз албатта, шундай из қолдиради. Зотан, Сизни эстрада қушиқчилигидаги профессионал хонада деб эътироф этаётганлар ҳам шунинг назарда тутишган бўлса ажабмас.

— Маъмураҳон, умид қиламизки, янги қушиқларингиз албатта, шундай из қолдиради. Зотан, Сизни эстрада қушиқчилигидаги профессионал хонада деб эътироф этаётганлар ҳам шунинг назарда тутишган бўлса ажабмас.

— Маъмураҳон, умид қиламизки, янги қушиқларингиз албатта, шундай из қолдиради. Зотан, Сизни эстрада қушиқчилигидаги профессионал хонада деб эътироф этаётганлар ҳам шунинг назарда тутишган бўлса ажабмас.

— Маъмураҳон, умид қиламизки, янги қушиқларингиз албатта, шундай из қолдиради. Зотан, Сизни эстрада қушиқчилигидаги профессионал хонада деб эътироф этаётганлар ҳам шунинг назарда тутишган бўлса ажабмас.

Сўхбатдош: Саида БОНУ

Спорт

МДХ КУБОГИ: КИМ ЗҲР?

Уртага 150000 доллар тикилган МДХ чемпионлари кубоги баҳслари роса авжига минди. «А» гуруҳида туш сурган «Навбахор» жамоаси кетма-кет икки маглубиятдан сўнг («Зимбру»га 0:5, «Спартак»га 0:3) барча орзумидларни чипшакка чиқарди. Шу сабабли бутун чуқур таҳлил ва мулоҳазалар кура қолган уйлардаги ҳисоблар ҳақида маълумот бермоқчимиз. Юртдошларимизнинг рақиблари қўйидаги натижаларга эришиши: «Спартак» (Россия) — «Нефтчи» (Боку, Озарбайжон) 4:2; «Зимбру» (Кишинев, Молдавия) — «Нефтчи» — 2:1. Биринчи уринни, қутилмаганда, «Зимбру» эгаллаб турибди. Лекин охириги нуқтани сунгити унинг қўйди: ким биру, ким икки?

«В» гуруҳида Киев «Динамо»чилари пешқадам. Улар «Металлур» (Қирғизистон)ни 9:1, «Карела» (Литва)ни 5:1 ҳисобда енгизиб, биринчи уринни нақд қилиб қўйишди. «Карела» — «Плюник» (Арманистон) учрашувиди дураг (2:2) қайд этилди. Бундан илҳомланган арманлар «Металлур» устидан галаба қозонишди (4:0).

«С» гуруҳида Тбилиси «Динамо»си «Лаптана» (Эстония)га туртта гол урди. Таллинликлар иккита жавоб тути йўлашга муваффақ бўлишди — 4:2. «Тараз» (Қозғистон) ва «Динамо» (Тожикистон) бахсида 3:2 га жамбуликлар енгишди. «Д» гуруҳи — энг осон гуруҳ. Унда «Сконта» (Латвия) «Копетдог» (Туркманистон)ни 4:1, МПКК (Белоруссия)ни 2:1 га маглуб этиб, кейинги босқичга чиқди.

Ҳисобдан ташқари иштирок этаётган Россия клублар терма жамоаси МПККни учта фарқ билан ер тишлатишди (5—2).

Куринадик, бари қутилган натижалар. Фақат «Навбахор»ники... Йўқ, у ҳам қутилган натижа. «Навбахор»да айб йўқ. Ўзбек футболда ҳозир шу савияда.

Доктор жавоб беради

КОНТРАЦЕПЦИЯ ДОРИ-ДАРМОНЛАРИ

ЖАҲОНДАГИ МИЛЛИОНЛАРЧА АЁЛЛАР УЛАРГА ИШОНАДИ

«Қизил Олма» бутун оламга маълум ва машҳур бўлган, теда нафи тевадиган дори-дармонлари тавсия этилгани қолмай, аёлларга маслаҳатлар беради, йўл-йўриқлар қўрсатади. Бу борадаги саволларга ақушерлик ва гинекология илмий текшириш институтини қошидаги «Олма ва саломатлик» республика маркази мудири, акушер-гинеколог Майя Ким жавоб беради.

Карима. Ешим ўттизта. Оилани режалаштиришда нимадан фойдаланишим мумкин? Эшитганимча терига гармондор юборилса ой қуриш тўхтармиш. Шу ростми? — Бир неча ой давомида контрацептив укол қабул қилган баъзи аёлларда ҳайз қуриш барҳам топади. Жаҳонда бу доридан фойдаланган қўпгина аёлларда пайдо бўладиган оддий қўшимча таъсир шундан иборатдир. Терига гармондор юборилса одам аёлларда аёл тухумдон ором ҳолатида бўлиб, тухум ҳужайраси ишлаб чиқармайди. Шунинг учун ой қуриш вақтида ажратилади

ган қатлам ҳосил бўлмайди. Одатда, она эмизикли чоғида ҳам худди шу йўсин ҳолат юз беради-ю, амамо даволашга зарурат бўлмайди. Гармонни тери остига юбориш

шунингиз, ҳомиладан сақловчи воситадан, стерилизация тусик (барьер) усулидан фойдаланишингиз мумкин. Перорал дори-лардан сотувда бир неча хили бор. Улар ичиди «Марвеллон», «Три-Регол», «Ритевидон», «Антиовин», «Тирквиллар» ва «Микрогидрон» қабилир «Қизил Олма» дориларига кирди. Перорал контрацептивларни ичиди 50 ешгача бўлган аёлларга тавсия этилади. Ҳамма дори-дармонларда булганидек, контрацептив дорилар ҳам баъзиларга еқмаслиги мумкин. Шунинг учун ундан фойдаланишдан аввал бунга эътибор бериш лозим. Шунингдек, Франциянинг «Innotec» компаниясининг «Innotec» ҳомиладорликдан сақловчи воситадан фойдалансангиз бўлади. «Қизил Олма» дастурига кирган бу восита «Журабек» дорихонасида топилди. Контрацептив усулларни қай хилидан фойдаланмоқчи бўлсангиз, аввало шифокор билан маслаҳатлашингиз. У сизга танловда адашмаслигингизга ердам беради.



тўхтатилгандан сўнг бир-неча ой ўтгач, ой қуриш ҳолати яна ўз-ўзидан тикланади. Сиз бу масалада узингизни даволовчи шифокорингиз билан маслаҳатлашиб олишингиз мумкин. У сизга бунинг тафсилотларини яқшилаб тушунтириб беради. Агар ой қурмаганингиздан ташвишлансангиз, перорал контрацептив қабул қили-

СПИДИНИНГ ДАВОСИ ТОПИЛДИ

Жанубий Африканин олимлари инсониятни СПИД чангалдан қутқариб қоладиган бўлишди. Улар яратган ҳозирги кимёвий таркиби сир тутмаётган виродеи деб атаган дори ушбу хасталикка дучор бўлиб, умрининг сўнги кунларини кечирётган бир неча беморни ҳаётга қайтарди.

XX асрнинг муҳим кашфиётларидан бирининг муаллифи Порт Приторидидаги университет профессори Дирка Дю Пресси раҳбарлигидаги коридололар гуруҳидир. Мазкур дориини иштиро қилишда улкан ҳисса қўшган қон бўйича мутахассис Ольга Вьернинг таъкиллашича, виродеи инсон миеси ва лимфа ҳужайраларидаги вирусларни ҳалокатга учратиб, беморни ҳаётга қайтарар экан.

Ҳозир мамлакатнинг 4 миллион эки барча аҳолисининг 9 фоизи СПИДга чалинган. Шу боис ҳужумат виродеини ишлаб чиқаришга кетадиган ҳаражатлар учун зарур маблағларни излаб топишга ваъда берди.

ИТАЛИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН кафе-матбаа БУЮРТМАЛАР КАБУЛ КИЛИНМОҚДА БУЮРТМАЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 13712/ 50-83-54, 50-92-94, ФАКС 50-92-94. А/О ТашКСМ